

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

*ЖДПИ катта ўқитувчиси Гулчехра Ўтамуродова
ЖДПИ магистранти, Темирова Лобар, магистр*

Аннотация: Мақолада талабаларга таълим жараёнида бола тарбияси масаласи инсоният пайдо бўлганидан бошлаб долзарб муаммо бўлиб келмоқдалиги ва тарбияда «уфқ» комиллик сари йўналтирилганлиги ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тарбияси масаласи, инсоният, долзарб муаммо, тарбия, «уфқ» комиллик сари йўналтирилганлиги, жамият тараққиёти, баркамол авлод, маънавий мерос.

Ҳозирги кунда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналиши қилиб белгиланган.

Замон тараққиётига мос ривожланиш, яъни ҳозирги даврнинг шиддаткор ва шахдам одимлари мунтазам равишда юксалишда бўлиб, олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Айниқса, илм-фан ва техника-технологияларнинг ривожланиб бориши, баркамол авлод шахси дунёқарабини юксалтиришга чорламоқда.

Бизга маълумки, киши тарбияси масаласи инсоният пайдо бўлганидан бошлаб долзарб муаммо бўлиб келмоқда ва тарбияда «уфқ» комиллик сари йўналтирилган бўлади. Шу сабабли ҳам жамият тараққиётини баркамол инсонлар белгилайди. Баркамол авлод ва кўп омилли шахс тарбиясида бой ўтмиш маънавий меросимиз мавжуд.

Тарбия масаласи билан кишиларнинг баркамол бўлиб етишишлари учун, улуғ бобокалонларимиз доимо шуғулланиб келган. Улар Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб ва ҳоказолар. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Фазилат, бахт ва камолат ҳақида» ва шу каби асарлари бугунги кўп омилли шахс тарбиясида ҳам ниҳоятда ибратлидир. Қайд этилган асарларнинг асосий мазмунини тарбия воситалари, шакллари ва шу кабилар ташкил этади.

Тарбия ўзи нима, деган саволга Фаробийдан қуйидагича кетма-кетликдаги жавобни топиш мумкин:

- «Камолот» - бу яратган Аллоҳнинг борлигини онгли равишда сезиш ва ундан воқиф бўлиш»;

- «Камолатга элтувчи йўл – гўзал фазилатли ва хайрли (яхши) ишларни ички хоҳиш ва истак билан такрорлаш, уларга мунтазам амал қилиш»;
- «Бахт – ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш натижаси»;
- «Бахт белгиси – руҳнинг лаззат олиши ва яратганни севиш»;
- «Камолат натижаси – абадийликка эга бўлиш». [10].

Бундан ташқари Абу Райхон Берунийнинг дунёвий кашфиётлари ва шахс тарбиясидаги ахлоқий фазилатлар, Абу Али ибн Синонинг комил инсонни жисмонан ҳамда манан соғлом қилиб тарбиялаш ғояси, Амир Темур давлатчилиги ва бунёдкорлик ғоялари, Алишер Навоийнинг комил инсонни тарбиялаш ва бунёдкорлик ишлари, Бобурнинг миллатлараро дўстликни, динлараро бағрикенгликни, таълим соҳасидаги қарашлари ёшлар тарбиясида ва уларда миллий дунёқарашнинг шаклланишида маънавий асос бўлади.

Демак, буюк боболармизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат-намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: - мардлик; - ботирлик; - паҳлавонлик; - меҳнатсеварлик; - катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; - дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу қабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат-намуна муҳим рол ўйнаётган экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдизлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида сингдириб боришимиз лозим.

Умуман олганда, баркамол авлодни тарбиялаш, ўзининг маънавий-маърифий, ташкилий-услубий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан мураккаб ва масъулиятли динамик жараён дир. Биз бу жараённи амалга ошириш кетма-кетлигини қуйидагича ифодалашни лозим топдик: тараққиётнинг ўзбек модели (Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бешта тамойили, яъни жамиятни ислоҳ қилишнинг бешта тамойили); баркамол авлод орзуси ва унга эришмоқ йўли; орзуга эришишда баркамол авлод вазифалари ва бурчлари; орзуга эришишда узлуксиз таълим тизими ўрни ва роли; орзуни рўёбга чиқаришда зарурий узлуксиз таълим таркиби; кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари; КТМДнинг миллий модели; КТМДни жорий этишнинг илмий-услубий

таъминоти; баркамол авлод тарбияси жараёнининг ташкилий-услубий ва илмий-педагогик таъминоти; тарбияда мақсадга эришганликни баҳолаш мезонлари; баркамол авлоднинг тарбияланганлиги ҳақидаги хулосалар ва кейинги фаолиятга тавсиялар.

Баркамол авлод тарбиясининг бу қайд этилган кетма-кетлигига, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бешта тамойили асос қилиб олинган бўлиб, баркамол авлодни амалий фаолиятгача бўлган жараёнини ўз ичига олган ва ўз хусусиятига кўра баркамол авлод тарбиясига комплекс ёндашувдир.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлармиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга кўп омилли шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма-кетлик одам-шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришни самарали амалга ошириш учун шахс интеллектуал камолотини мазкур кетма-кетликда ифодалаб олдик.

Ушбу кетма-кетликдан мунтазам равишда талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 122-бет.
- 2.Н. Боймуродов. “Амалий психология” Тошкент 2008 йил, 266 бет.

- 3.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Методик қўлланма. Тузувчилар: Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.
4. Kamolova, S. (2022). Ўқитувчи педагогик қобилиятларини шакллантиришнинг психологик асослари. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5)*. Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5114>
5. Shirin Kamolova, [Расширение И Развитие Научное Мироззрение Студентов](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 \(2020\): Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
6. Shirin Kamolova, [Самовоспитание – основа формирования гармонично – развитого поколения](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 \(2020\): Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)
7. Shirin Kamolova, [ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 \(2021\): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari](#)
8. Shirin Kamolova, [The Role Of Universal And Scientific Values In The Spiritual Development Of Future Teachers](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 \(2021\): Журнал педагогика и психологии в современном образовании](#)
9. Shirin Kamolova, [ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 \(2021\): Журнал педагогика и психологии в современном образовании](#)
10. Shirin Kamolova, [IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
11. Shirin Kamolova, [АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ҚЎРИНИШЛАРИ](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 3 \(2021\): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari](#)
12. Kamolova, Sh. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал*

Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). Извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191>

13. Shirin Kamolova, [РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ](#), [Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 \(2020\): Journal of Pedagogy and psychology in modern education](#)

14. Qarshiboyeva, G. Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.

15. Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суицидального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.

16. Qarshiboyeva, G. [ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!](#). Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.

17. Qarshiboyeva, G. [ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ](#). Архив Научных Публикаций JSPI.

18. Qarshiboyeva, G. [OILADA BOLALARNI XALQ OG 'ZAKI IJODI NA'MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH](#). Архив Научных Публикаций JSPI.

19. Qarshiboyeva, G. [ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ](#). Архив Научных Публикаций JSPI.

20. Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. [Oquvchi sportchilarning intilish darajasi](#). Архив Научных Публикаций JSPI.

21. Каршибаева, Г. А. Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.

22. Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In *Психологические науки: теория и практика* (pp. 37-39).

23. Каршибаева, Г. А., Н. Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In *Психология: традиции и инновации* (pp. 65-68).

24. Каршибаева, Г. А. Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.

25. Каршибаева, Г. А. Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.